

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил
 1 июлдан
 чиқа бошлаган


ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСІЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 135 (10.944)

Баҳоси эркин нархда

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ
 Янгиликлар, воқеалар


Бу байрам — барчамизники,
 бутун халқимизники



Кечка сатрларда

- **БУГУН** Чилонзор туманидаги «Кутарма» маҳалласида «Ёзни «Камолот билан!» лойиҳаси доирасида «Камолот» ЁИХ туман бўлими Кенгаши ташаббуси билан сиёсий, ҳуқуқий савабдорликни ошириш мақсадида уюштирилган ўқув курси машғулотларида маҳалла болалари қатнашди.
- **БУГУН** «Камолот» ЁИХ «Ёшлик» талабалар шаҳарчаси Етакчилар Кенгаши ташаббуси билан «Ёзни «Камолот» билан!» лойиҳаси доирасида Собир Раҳимов туманидаги 1-мурувват уйда уюштирилган тадбирда фаоллар иштирок этишди.
- **ЎТГАН** куни Юнусобод туманидаги 271-мактабда «Кулукўрғон» маҳалласи фуқаролар йиғини ташаббуси билан тобора яқинлашиб келаётган юртимиз Мустақиллигининг 16 йиллик байрамини муносиб кутиб олиш мақсадида ташкил этиладиган ободонлаштириш ишларига маҳалла фаоллари ва ёшларини жалб этиш масаласига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.
- **КЕЧА** шаҳримизда ўтказилган семинар кишлоқ ҳўжалигида ўсимликларнинг экологик ресурсларини ўрганиш масаласига бағишланди.
- **КЕЧА** шаҳримиз мактабларининг энг фаол ўқитувчилари иштирокида халқ таълими ривожига дарслик ва ўқув қўлланмаларининг аҳамиятига бағишлаб ўтказилган анжуман Республика халқ таълими маркази томонидан уюштирилди.
- **«ОИЛА** маросимлари» маркази қошидаги «Ёш оила қурувчилар» мактаби тингловчилари иштирокида уюштирилган тадбирда ёш оилаларни моддий, маънавий қўллаб-қувватлашнинг аҳамияти ҳақида сўз борди.
- **«ЎЗСТАНДАРТ»** агентлигида уюштирилган республика илмий-амалий семинари юртимиз бозорларининг моддий техник базасини мустаҳкамлаш масалаларига бағишланди.
- **«КАМОЛОТ»** ЁИХ Бектемир туман бўлими ташаббуси билан «Роҳат» маҳалласида «Тилларни ўрганиш» мавзусида ўтказилган тадбир «Ёзни «Камолот» билан!» лойиҳаси доирасида уюштирилди.
- **ЮНУСОБОД** туманидаги «Боғишамол» маҳалла гузарига «Камолот» ЁИХ туман бўлими Кенгаши ташаббуси билан ёшлар иштирокида «Камолот» куни» тадбири ўтказилди.
- **ШАҲРИМИЗДА** БМТнинг Ахборот технологиялари маркази ташаббуси билан ташкил этилган «Ахборот асри қизлари» ёзги оромгоҳи ўз фаолиятини бошлади. Компьютер технологияларига қизиқувчан қизлар иштирокида ўтказилаётган оромгоҳ машғулотлари 22 июлдан давом этади.
- **ТОШКЕНТ** Тўқимачилик ва енгил саноат институтида ўқитувчилар, битирувчи талабалар иштирокида ўтказилган хайрлашув кечаси ҳақиқий байрамга айланиб кетди.

(Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан).



МИРЗО УЛУГБЕК ТУМАНИ



Мустақиллик шарофати билан шаҳримиз жамоли йил сайин гўзаллашиб, кўрамашиб бормоқда. Айниқса пойтахтимиз туманлари орасида буюк аллома Мирзо Улуғбек номи билан аталувчи туман ўзининг ободлиги ва файзлиги билан алоҳида ажралиб туради. Шаҳримизнинг марказий туманларидан ҳисобланмиш Мирзо Улуғбек Тошкент вилояти, Қибрай тумани билан чегарадош бўлиб, умумий майдони 3188 гектарни ташкил этади. Катта илмий ва ишлаб чиқариш салоҳиятига эга бўлган туман қадрлар тайёрлаш ўчоғи саналади. Аҳоли сони 243,5 миң кишидан иборат.


Туманда 52 та маҳалла (шунингдек «Улуғбек» шаҳарчаси) мавжуд бўлиб, 5152 та корхона ва ташкилотлар, шу жумладан кичик бизнес билан шўғулланувчи 3760 та корхона фаолият юритади. Шунингдек, туманда Фанлар академиясининг илмий-тадқиқот институтлари, Мудофаа ҳамда Ички ишлар вазирликлари академиялари, олий умумқўшун қўмондонлиги билим юрти, 5 та олий ўқув юрти, 32 та умумтаълим мактаблари, 67 та мактабгача таълим муассасаси, 4 та меҳмонхона, 25 та соғлиқни сақлаш ташкилотлари мавжуд. Туман аҳолисига 14 та кутубхона, 9 та шифохона, 2 та туруқхона, 24 та спорт комплекслари, 3 та маданият ва истироҳат боғи хизмат кўрсатади.

Мустақиллик йилларида туманда кенг қўламдаги ободончилик ва бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Ижтимоий-иқтисодий, шунингдек, қурилиш, саноат, тиббиёт соҳаларида катта ўзгариш ва янгиланишлар юз берди. Айниқса кенг ва раvon кўчалар, кўприклар, замонавий уй-жой бинолари, поли-

ликленика, спорт комплекслари ва бошқа иншоотлар бунёд этилди, эскилари қайта таъмирланди.

Туманда 26 та йирик саноат корхоналари мавжуд. «Тошкент трактор заводи» ОАЖ, «Ўзқабель» ҚК, «Ўзпахтамаш» ОАЖ, «Тошкент лок-бўёқ заводи» ОАЖ қўшма корхонаси шулар жумласидандир.

Туманда 2006 йил якунида саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажми ўтган йилга нисбатан 11,3 фоизга, истеъмол моллари ишлаб чиқариш 2,6 фоизга, чакана савдо айланмаси ҳажми 16,5 фоизга, пуллик хизмат кўрсатиш 17,6 фоизга, асосий капитал қўйилмалар 28,2 фоизга, пудрат ишлари 18,7 фоизга кўпайди, шунингдек, худудий экспорт дастури режаси 101,2 фоизга бажарилди. Худудий тасарруфдаги корхоналар томонидан маҳаллий хом ашё негизда 5 турда 1,67 миллиард сўмлик янги маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳисобига қўшимча ҳажмлар яратилиб, маҳаллийлаштириш дастури 161,2 фоизга бажарилди. Шунингдек, шифокорлар йили» худудий дастури доирасида туманда бир қатор ишлар амалга оширилди. Жумладан, тумандаги 9-оилавий поликлиника, 6-сонли туғруқ мажмуаси, 7-сонли силга қарши диспансер ҳамда 14-сонли болалар жаррохлик касалхонаси мукамал таъмирдан чиқарилиб, фойдаланишга топширилди. Таъмирлаш ишларига жами 637 миллион сўм маблағ сарфланди. Тумanning кам таъминланган, кўп болали оилаларига, боқувчисини йўқотган, етим-есирлар ҳамда ёлғиз кексаларга «Маҳалла» хайрия жамғармаси томонидан 48,7 миллион сўмлик моддий ёрдам



кўрсатилди. Дастурнинг ижросини таъминлаш мақсадида жами 3 миллиард 690,2 миң сўм ҳамда 88 миң 670 АҚШ доллари ҳажмида маблағ сарфланди. Шунингдек «Яланғоч» маҳалласи ҳудудида чет эл инвесторларини жалб қилган ҳолда 600 ишчи ўринли «БФ Текстиль» ҳамда 400 ишчи ўринли «Ажарбо текстиль» ўзбек-турк тўқимачилик корхоналари ишга туширилди. Бундан ташқари Президентимизнинг 2006 йил 17 апрелдаги 325-сонли Қарори асосида белгиланган дастурга қўра аҳолига хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш борасида туманда қатор маиший хизмат кўрсатиш объекти ишга туширилди. Тумандаги «Нур» маҳалласи ҳудудида маҳалла гузарига ҳамда маиший хизмат мажмуаси қурилиб, фойдаланишга топширилди. Шунингдек, мактаб таълимининг ривожлантириш давлат умуммиллий дастурининг бажарилиши юзасидан туманда жойлашган 35-, 50-, 71-, 112-сонли умумтаълим мактаблари капитал таъмирланди, 148-сонли умумтаълим мактаби эса жорий таъмирдан чиқарилди ва янги ўқув йилига фойдаланишга топширилди.

Хулоса қилиб айтганда Мирзо Улуғбек туманида янгиланишлар, юксалишлар давом этмоқда. Айни кунларда туман аҳолиси Энг улуг ва энг азиз байрагимиз — Мустақиллигимизнинг 16 йиллигини ҳам меҳнатда ўзига хос ютуқлар билан кутиб олиш ниятида.

(Мирзо Улуғбек туманига бағишланган саҳифа материалларини 2-бетда ўқийсиз).

МАМЛАКАТИМИЗДА

- Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 6 миллион 250 миң тоннадан зиёд галла хирмони бунёд этиб, катта меҳнат галабасига эришган Ўзбекистон галлакорларига самимий табрик йўллади.
- Самарқанд шаҳрида Энг улуг, энг азиз байрагимиз — мамлакатимиз Мустақиллигининг 16 йиллигига бағишланган «Ватан ягонадир, Ватан биттадир» кўшиқ фестивалининг вилоят босқичи якунланди. Унда туман ва шаҳар босқичларида голиб чиққан 50 нафар ижодкор она Ватаннимиз, Мустақиллик, тинчлик ва эзгуликни тараннум этувчи кўшиқлари билан иштирок этди.
- Тошкентдаги Миллий матбуот марказида оммавий ахборот воситалари учун Тошкентнинг 2007 йилда Ислам маданияти пойтахти деб эълон қилиниши муносабати билан ўтказиладиган халқаро конференцияга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишга бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.
- Давлат солиқ қўмитаси ҳайъатининг йиғилишида давлат солиқ хизмати органлари фаолиятининг жорий йил биринчи ярим йиллик якунлари ва иккинчи ярим йилликда амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар муҳокама қилинди.
- Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашида «Баркамол авлод — 2008» спорт байрамига тайёргарликка бағишланган йиғилиш ўтказилди.
- Наманганда яна бир оммавий спорт байрами — III «Тўмарис — 2007» аёллар фестивали бўлиб ўтди. Ўзбекистон Мустақиллигининг 16 йиллигига бағишланган ҳамда «Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастури доирасида ташкиллаштирилган спорт байрамида Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлардан ташриф буюрган 300 дан ортиқ спортчи аёллар галаба учун кураш олиб борди.
- Тошкентда «Камолот» ЁИХ ташаббуси билан йод танқислиги ва темир моддаси етишмовчилигининг олдини олиш ишларини тарғиб қилишга бағишланган ёшлар акциясининг республика босқичи ўтказилди.
- Ўзбекистон ХДП Қашқадарё вилоят Кенгаши ташаббуси билан «Тошгузар — Бойсун — Кумқўрғон» темир йўли қурилишининг Деҳқонобод участкасида ишлаётган «Бунёдкор - 2007» талабалар меҳнат отряди аъзолари билан маданий-маърифий учрашув ташкил этилди.

ЖАҲОНДА

- МАГАТЭ инспекторлари Шимолий Кореянинг Йонбён шаҳрида жойлашган ядро реактори тўхтатилганини тасдиқлашди. Ўзаро келишувга биноан, ядро реактори ёпилиши эвазига Жанубий Корея КХДРга 50 миң тонна нефть жўнатишни бошлади. Пхеньян ядро дастурини бутунлай тўхтатса, Шимолий Кореяга жами миллион тонна ёнилғи етказиб берилади.
- Шу кунга қадар бosh вазир ўринбосари лавозимида фаолият юритиб келаётган 83 ёшли сиёсатчи ва Нобель мукофоти лауреати Шимон Перес Исроил Президенти сифатида қасамёд қабул қилди. У Исроил давлати тарихидаги тўққизинчи президент бўлди. Таъкидлаш жоизки, «Қадим» марказлашган партиядан президентликка ўз номзодини қўйган Ш.Перес 13 июль куни Кнессет депутатлари томонидан овоз бериш йўли билан етти йил муддатга президентликка сайланди.
- Туркманистон Президенти Гурбангули Бердимўхаммедов чегара яқинидаги туманларда махсус рухсатнома билан кириш тартибин бекор қилиш тўғрисидаги қарорга имзо чекди. Эндиликда республиканинг ҳар бир фуқароси мамлакатнинг хоҳлаган нуктасига бориш, мамлакат бўйлаб эркин ҳаракатланиш ҳуқуқига эга бўлди.
- Кеча Японияда уч марта кучли ер силкини рўй берди. Рихтер шкаласи бўйича 4,3 баллдан 6,8 баллгача бўлган зилзила оқибатида дастлабки маълумотларга қараганда, олти киши ҳаётдан кўз юмган, 700 дан ортиқ киши жароҳатланган, 400 та хонадон эса вайронга айланган.
- Покистоннинг Деҳра Исмоил Хон шаҳарчасидаги полиция маҳкамаси олдида муҳдис ҳўпорувчилик ҳаракати содир этилди. Маҳкамга ишга кириш имтиҳонини топшириш учун йиғилган одамлар орасида террорчи-камикадзе ўзини портлатиб юбориши натижасида 11 нафар полициячи ва 15 нафар имтиҳон топширувчи ҳаётдан кўз юмган.
- Америка Сенати биринчи рақамли халқаро террорчи, «Ал-Қоида» ташкилоти раҳбари Усама бин Лодин боши учун белгиланган мукофот пулини икки бараварга ошириш ҳақидаги қарорни маъқуллади. Ушбу қарорга кўра кимки Усама бин Лодинни тутиб келтирса ёки унинг қаердалиги ҳақида аниқ маълумот берса, ўша кишига АҚШ давлат департаменти 50 миллион доллар миқдорда мукофот пулини топширади.
- 400 нафар ливиялик болаларга Бенгалидаги касалхонада ОИТС хасталигини атайлаб юқтиришда айбланаётган беш нафар болгариялик ҳамшира ва фаластинлик шифокор ишини қўриб чиқаётган Ливия Олий суд кенгаши ўз мажлисини душанбадан бугунга кўчирди. Таъкидлаш керакки, мамлакат Олий судининг айбланаётганларга ўлим жазосини бериш тўғрисидаги ҳукминини фақат Олий суд кенгаши ўзгартириши мумкин.

Тошкент шаҳар Кенгаши сессияси

ТАШАББУСКОРЛИК ВА ФАОЛЛИК — МУҲИМ ОМИД

шаҳар ҳокимлигининг айрим тузилмалари, шаҳар депутатлик корпусининг баъзи доимий комиссияларининг ҳисоботлари ҳам тингланди, шунингдек, Кенгаш ваколатидаги бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди.


Сессия кун тартибидидаги асосий масалалар муҳокамаси олдида Тошкент шаҳар ҳокими Абдуқаҳор Тўхтаев депутатларни яқинда бўлиб ўтган Олий Мажлис Сенатининг ўнинчи ялпи мажлисида қўрилган масалалар билан кичика таништириб ўтди. Хусусан, республика парламенти юқори палатасининг охириги мажлисида 14 та масала, шу жумладан 9 та қонунчилик ҳужжатлари кўриб чиқилди. Бу борада шаҳар ҳокими томонидан «Улим жазосининг бекор қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонунга алоҳида эътибор бериб ўтилди. Маъмур ҳужжат мамлакатимиз раҳбарининг 2005 йил 1 августдаги тегишли Фармони ижроси юзасидан қабул қилинган бўлиб, унда ўлим жазосининг жиноий жазо

лар тизимидан чиқарилиши ҳамда умрбод ва узоқ муддатга озодликдан маҳрум этиш жазоси билан алмаштирилиши назарда тутилди. Айтиб ўтиш лозимки, кейинги йилларда республикамизда суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштириш борасида кўплаб амалий ишлар қилинди. Чунончи, ўлим жазосининг бекор қилиниши юзасидан қонун ҳам ўтган кичика вақт ичида фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданияти юксалиб бораётгани, мамлакатимизда тегишли ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий шароитлар

яратилганининг натижасидир. Сенатнинг ялпи мажлисида шунингдек, «Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқининг судларга ўтказилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги ва яна бошқа бир қатор қонунлар тасдиқланди, бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва Ҳисоб палатасининг ўтган йиллар бўйича ҳисоботлари ҳам тингланди.


(Давоми 3-бетда).

КУНИ КЕЧА ПОЙТАХТДА УЧИНЧИ ЧАҚИРИҚ ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ШАҲАР КЕНГАШИНING НАВБАТДАГИ СЕССИЯСИ БЎЛИБ ЎТДИ. УНДА МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ИШЛАР САМАРАДОРЛИгини ОШИРИШ, ФУҚАРОЛАРНИНГ ЎЗИНИ ЎЗИ БОШҚАРИШ ОРГАНЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШГА ОИД МАСАЛАЛАР МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ.
 Депутатлар томонидан Тошкент



Бу байрам — барчамизники, бутун халқимизники

ТУМАНДА ЖОЙЛАШГАН «SOS — ЎЗБЕКИСТОН БОЛАЛАР МАҲАЛЛАСИ» УЮШМАСИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНING 1997 ЙИЛ 31 ДЕКАБРДАГИ 585-СОНИЛ ҚАРОРИГА АСОСАН ТАШКИЛ ЭТИЛГАН БЎЛИБ, У ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУКУМАТИ ВА SOS KINDERDORF INTERNATIONAL ХАЛҚАРО ХАЙРИЯ ТАШКИЛОТИ ЎРТАСИДАГИ ШАРТНОМАГА МУВОФИҚ ФАОЛИЯТ КЎРСАТМОҚДА.



2007— Ижтимоий ҳимоя йили

БОЛАЛАР МАҲАЛЛАСИДА МЕҲР НУРАФШОН

2000 йилда Тошкентда ташкил топган «SOS — Болалар маҳалласи» уюшманинг дастлабки лойиҳаси бўлди. Ҳозир бу ерда 3 ёшдан 18 ёшгача бўлган 100 нафар бола ўз уйи ва оиласига эга бўлишган. Маҳалла худудида ун тўртта оилавий коттеж, мактабгача таълим муассасаси, маъмурий бино, меҳмонхона мавжуд. Шунингдек, иккита спорт майдончаси ва болалар ўйингоҳлари бунёд этилган. 14 та оилада она-тарбиячи болаларни ба-

рига олиб, бирга яшаб, ўз фарзандидек тарбия бermoқда. — Бизнинг вазирамиз.— дейди «SOS — Болалар маҳалласи» раиси Хусан Рустамов. — Ота-онасиз қолган болаларни оилаларга бериши, уларга мустақил равишда ўз келажагини қуришларига ёрдамлашиш, ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, ҳар бир боланинг меҳр-муҳаббат, ҳурмат ва ғамхўрлик билан қўралган оилада вояга етишини таъминлашдан иборат. Бу масканда оилавий муно-

сабатлар табиий равишда ривожланади. Оилалар бир-бирлари билан тажриба алмашадилар ва ўзаро ёрдам кўрсатадилар. Ҳар бир бола жамоат ҳаётида фаол иштирок этишни ўрганади. —Ушбу маҳаллада етти йилдан буюн яшаб, етти фарзандни бағримга олдим ва ўз оиламга эга бўлиб, болаларга оналик меҳрини бериб келяпман,— дейди она тарбиячи Фаридоҳон Норуқолова. — Болалар — жону дилим. Уларни ўз боламдек қўраман ва яхши тар-

бия беришга ҳаракат қиляпман. Бу масканда болалар учун барча шарт-шароитлар яратилган. Энг асосийси, болалар ўз оиласига, меҳрибон онага эгалар. Албатта бола учун оила, она, ака-сингил керак. Бу маҳаллада болалар мана шундай азиз ва муқаддас бўлган оила нималигини, она меҳри нималигини, Ватан нима эканлигини ҳис этиб яшайдилар ва албатта уларнинг қалбиди ҳам ўз Ватанига, оиласига, онасига, яқинларига бўлган меҳр-муҳаббат туй-

ғулари уйғонади. Келгусида ҳар томонлама қомил инсон бўлиб вояга етадилар. Менинг асосий мақсадим ҳам шу. Шу маҳаллада тарбияланаётган ўғил-қизлар келажакда Мустақил Ўзбекистонимизга муносиб билимли, хулқу одобли ёшлар бўлиб вояга етишсин. Ҳа, албатта ҳар бир инсон меҳр кўрган қадрдон гўшасини, оиласини азиз деб билади. Шундай экан «SOS — Болалар маҳалласи» болалари ҳам келгусида Ватан маҳаллари ҳам келгусида Ватан сўзларининг маъносини қалбдан ҳис этадилар албатта. СУРАТЛАРДА: «SOS — Болалар маҳалласи» ҳаётидан лавҳалар

БУГУНГИ КУНДА ЖАМИЯТ МАЪНАВИЯТИНИ ЮКСАЛТИРИШ — ДАВЛАТИМИЗ СИЁСАТИНИНГ УСТУВОР ВАЗИФАСИГА АЙЛАНГАН. ЖУМЛАДАН, ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ФАРМОНЛАРИ, ҲУКУМАТИМИЗ ҚАРОРЛАРИ, РЕСПУБЛИКАМИЗДА ОЛИБ БОРИЛАЁТГАН ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТЛАР, БОЙ МАДАНИЙ ВА ТАРИХИЙ МЕРОСИМИЗНИ АҲОЛИ ОРАСИДА КЕНГ ТАРФИБ ЭТИШ, ТУШУНТИРИШ, ЁШЛАРНИ МИЛЛИЙ ИСТИҚЛОЛ ҒОЯЛАРИГА САДОҚАТ РУҲИДА ТАРБИЯЛАШГА ҚАРАТИЛГАН МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ТАДБИРЛАР ТУМАН МАЪНАВИЯТ ТАРБИВОТ МАРКАЗИ ТОМОНИДАН МУНТАЗАМ РАВИШДА АМАЛГА ОШИРИЛМОҚДА.

Маънавият

ЭЗГУ МАҚСАДЛАР ЙЎЛИДА

Тумандаги олий ва ўрта махсус таълим масканлари, умумтаълим мактаблари жойлашган маҳаллалар, ҳарбий қисмлар ва барча муассасалар билан ҳамкорликда режа тузилган. Ва шу режа асосида «Таълим соҳасидаги ислоҳотлар», «Ижтимоий ҳимоя йили» давлат дастури, миллий истиқлол ғоясини жамиятнинг барча қатламлари орасида кенг тарғиб этиш ва маънавий-маърифий тадбирларни ҳамкорликда амалга ошириш бўйича туман миқёсида самарали иш олиб борилмоқда. Туман маҳаллаларида, коллеж ва лицейларда, мактабларда ўтказилган маънавий тадбирлар ўқувчи-ёшларни аждодларимизнинг эзгу ишларини давом эттириш руҳида тарбиялашда ўзига хос аҳамиятга эга бўлаётди. Шунингдек, туманда ёшлар орасида жоннатчилик, қонунбузарлик, гийбандлик каби салбий иллатларнинг олдини олиш юзасидан маънавий-маърифий, тарбиявий ишлар янада жадал ва самарали бормоқда. Ёшлар онгида Ватанга муҳаббат, садоқат, ватанпарварлик туйғуларини ошириш мақсадида жойларда бўлиб ўтаётган учрашувлар, давра суҳбатлари ва семинарлар ҳам диққатга сазовор бўлмоқда. Бундай тадбирларда аҳоли, айниқса ёшлар катта қизиқиш билан фаол иштирок этмоқдалар. Зеро, маънавият бор жойда фаровонлик, осойишталик ва юксалиш барқарор бўлади албатта.

Ёшлар — келажагимиз

КАМОЛОТГА ИНТИЛИШ

ЁШЛАР МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОНИМIZ КЕЛАЖАГИНИ ЯРАТУВЧИ БУНЁДҚОРЛАРДИР. МАМЛАКАТИМИЗДА ҲАР ТОМОНЛАМА ЗУҚҚО, БИЛИМЛИ, ҒАЙРАТ-ШИЖОАТЛИ ЁШЛАР САФИ ЙИЛДАН-ЙИЛГА ОРТИБ БОРМОҚДА.

«Камолот» ЁИХ Мирзо Улуғбек туман бўлими томонидан бугунги кунда ёшларимизнинг бутун ёз давомида бўш вақтларини мазмунли ўтказиш мақсадида ташкил этилаётган аънавий «Ёзни «Камолот» билан!» лойиҳаси айни қизиган паллага кирган. Лойиҳа да-

стуридаги «Кўчма спорт ўйинлари» ҳар бир маҳаллада жадвал бўйича мунтазам ўтказиб келинмоқда. Шу вақтгача лойиҳанинг «Кўчма спорт ўйинлари» туманинг «Оққўрғон», «Дархон», «Лашкарбеги», «Хоразм», Х.Олимжон, «Шахрисабз», «Оқибат», М.Исмоилий, «Нур», «Салор», «Турон», «Олмачи», «Алломиш» сингари бир қатор маҳаллаларида ўтказилди ва 1000 дан ортиқ ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ва мароқли ўтиши таъминланди. Бундан ташқари лойиҳа доирасида маҳаллаларда истиқомат қилувчи кам таъминланган оила фарзандларининг маданий ҳордиқ чиқаришлари учун Тошкент ҳайвонот боғига ҳамда музейларга саёҳат ташкил қилинди. Бу саёҳатда 350 нафарга

яқин кам таъминланган оила фарзандлари қатнашдилар. Бунга қўшимча туман халқ таълими бўлими билан биргаликда тумандаги 35, 112, 207, 225-мактабларда ёзги оромгоҳлар ташкил этилди. Бу оромгоҳларда бутун бир мавсум давомида 1500 дан ортиқ болалар мароқли дам оладилар. Шунингдек оромгоҳларда болаларнинг маънавиятини ошириш мақсадида танқил шоир ва ёзувчилар билан учрашувлар, «Иқтидорли болалар» мавзусида семинар ўтказилди. Деворга расм чизиш лойиҳасида эса барча болалар катта қизиқиш билан иштирок этдилар. Бундай тадбирлар албатта ёшларнинг дунёқарашини шакллантириши, она - Ватанга меҳр-муҳаббат туйғуларини оширишда муҳим аҳамиятга эгадир.

Ёшларнинг суянчи ва таянчи бўлган «Камолот»чилар бугунги кунда мустақил Ўзбекистонимизни янада мустақамлаш, юртимиз фаровонлигини таъминлаш, Ватан тараққитига муносиб ҳисса қўшиш ниятидалар.



Хорижий корхоналарда

ЭКСПОРТБОП МАҲСУЛОТЛАР ТАЙЁРЛанаДИ

ЎТган йилдан ўз фаолиятини бошлаган МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТ ШАКЛИДАГИ «VF TEXTILE PRODUKTION» ХОРИЖИЙ КОРХОНАСИ ТУМАННИНГ БУЮК ЙПАК ЙЎЛИ КЎЧАСИДА ЖОЙЛАШГАН. КОРХОНА 3 ТА КОРПУСДАН ТАШКИЛ ТОПГАН БЎЛИБ, УНИНГ УМУМИЙ ҲУДУДИ 69540 М², ШУНДАН 37874 М² ЁПҚИ ҚИСМИНИ ТАШКИЛ ҚИЛАДИ. КОРХОНАНИНГ БОШЛАНҒИЧ УСТАВ ФОНДИ 450 000 АҚШ ДОЛЛАРИНИ ТАШКИЛ ҚИЛГАН БЎЛСА, ҲОЗИРГИ КУНДА 5500000 АҚШ ДОЛЛАРИГА ОШИРИЛДИ.

Таъкидлаш жоизки, корхона юз фоиз тўғридан-тўғри инвестиция йўли билан ташкил қилинган бўлиб, ҳеч қандай ташқи кредит маблағларидан фойдаланилмаган.

—Бугунги кунда корхонада кунига 10-15 тонна микродорида 10 хилдаги 600 рангдан ортиқ экспортбоп трикотаж матолар ишлаб чиқарилмоқда,— дейди кор-

хона таъсисчиси ва бош директори Осман Бозкурт.—Корхона маҳсулотининг асосий қисмини Миср, Болгария, Италия, Россия ва қўшни Қирғизистон давлатларига экспорт қилиш билан бир қаторда, ишлаб чиқарган маҳсулотимиз 100 фоиз хорижий корхоналарга эркин айирбошланувчи валютага сотилмоқда. Ҳозирги кунда корхонада 300 нафар

ишчилар иш билан таъминланган. Ишчилик корхона ҳисобидан икки маҳал бепул овқат билан таъминланган, уйларига бориб келишда корхона транспорт хизмат кўрсатади. Мақсадимиз маҳсулот турларини кўпайтириб, сифатини янада ошириш, иш ўринларини кўпайтиришдан иборат.

Дарҳақиқат, мазкур корхонада тайёрланаётган маҳсулотлар ўзининг сифати, чидамлилиги билан харидорлар диққатини тортмоқда. Бир кунда 1 тонна трикотаж полотно ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган хорижий корхона томонидан 250,0 минг АҚШ долларига тенг инвестиция киритилди.

СУРАТЛАРДА: «VF Textile Produktion» хорижий корхонаси фаолиятдан лавҳалар

Умуммиллий дастур— амалда

ТАЪЛИМ МАСКАНИГА МУҲИМ ЭЪТИБОР

ҲАР ҚАНДАЙ МАМЛАКАТНИНГ ТАҚДИРИ ВА КЕЛАЖАГИ ТАЪЛИМ ДАРАЖАСИ БИЛАН БЕЛГИЛанаДИ. ДАРҲАҚИҚАТ ЮРТИМИЗДА МУСТАҚИЛЛИК ШАРОФАТИ БИЛАН БОШҚА СОҲАЛАР КАБИ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА ҲАМ КЕНГ КЎЛАМДАГИ ИСЛОҲОТЛАР АМАЛГА ОШИРИЛМОҚДА.

Шу жумладан Мирзо Улуғбек туманида ҳам таълим тизимида янгиланишлар ва ислоҳотлар жараёни самарали кечмоқда. Бугунги кунда туман Халқ таълими бўлими тасаруфидида 32 та умумтаълим мактаби, 1 та ёрдамчи мактаб, 3 та болалар ва ўсмирлар соғломлаштириш маркази, 2 та спорт мажмуаси, 66 та мактабгача таълим муассасаси ва 1 та мактабдан ташқари, 2 та мактаб-интернати фаолият кўрсатмоқда. Шуни таъкидлаш

кераки, туманда 2004-2009 йилларда Мактаб таълимининг ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури асосида бири-биридан кўркам ва замонавий мактаблар ўз эгалари — келажақ ворисларига тўхфа этилмоқда. Бир неча мактаблар капитал таъмирдан чиқарилди. Жумладан, 207-мактаб реконструкциядан, 50, 35, 112, 71, 225-мактаблар, шунингдек, 433, 332, 325, 145, 597- мактабгача таълим муассасалари жорий таъмирдан

чиқарилди. Мактаблардаги кимё, биология, физика хоналари замонавий лаборатория жиҳозлари билан, спорт заллари янги анжомлар билан таъминланган. Ҳа, таъмирдан чиққан мактабларнинг маҳобатли биноси ва кенг, шинам ўқув хоналари ўқитувчи ва ўқувчилар ҳамда ота-оналарни ниҳоятда қувонтирмоқда. Айни кунларда тумандаги 223-ўрта умумтаълим мактабиди капитал таъмирлаш ишлари қизиган бормоқда. Барча

ишлар бюджет маблағлари ҳисобига ҳамда ота-оналар хомийлигида амалга оширилмоқда. — Мактабимиз 1971 йилда бунёд этилган бўлиб, анча эскириб таъмирталаб бўлиб қолган эди. Эндиликда бу ерда катта таъмирлаш ишлари жадал олиб борилмоқда,— дейди 223-мактаб директори М.Олтинбекова.— Мактаб томи юз фоиз капитал таъмирланди, спорт зали, синф хоналарини таъмирлаш ишлари давом эт-

моқда. Таъмирлаш ишларини 20 июлгача якунига етказиш режалаштирилган. Кўркам ва замонавий кифёфага эга бўлаётган мактаб биноси янги ўқув йилига ҳамда энг улғў байрамимиз Мустақиллигимизнинг 16 йиллигига ўқитувчи ва ўқувчиларга муносиб тўхфа бўлади албатта. Мактабимизда 960 нафар ўқувчи таълим олади, уларга 55 нафар таърибали педагог ўқитувчилар Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури асосида замонавий педагогик технологиялар усулида таълим-тарбия бериб келишмоқда. Мақсадимиз янги ўқув йилида ўқувчиларга янада сифатли ва унумли таълим беришдан иборат.

Саҳифа материалларини Дилором ИКРОМОВА тайёрлади.

СИРЛИ ОЛАМ

Жаҳон ва маҳаллий ахборот воситалари хабарлари асосида тайёрланди

● Инсоният тарихида фақат учта олимғи сайёра очиш бахтига муяссар бўлган. 1781 йили инглиз олими Гершаль Уранны аниқлаган бса, 1846 йили эса немис олими Галле Нептунни кашф этган. Учтинчиси америкалик Клайдм-бодир. Канзаслик йигирма ёшли астрономш-қибоз Тамбо Флатстрафдаги обсерваторияке-либ, ўзининг келажакда янги сайёра очиш-тиёқи борлигини айтганда, ҳамкасблари инг-устидан кулишган эди. Чунки бу бахт ҳаттоб-серваториянинг асосчиси Ливеллога ҳаму-шарраф бўлмаган эди. «Агар бу сайёрази-нотда бўлганида эди, — дедилар обсервация-нинг эски хизматчилари Тамбога, уни алқа-чонлар очишган бўлишарди». «Менга бинг аҳамияти йўқ, у осмонда борми ёки йўқ, деб жавоб берди қайсар ишқибоз. — Аммо менинг бор ёки йўқ эканлигини билишим керак». Оқни қарангки, интилганга толе ёр деганлардек, 1930 йил 13 мартда у тайёрлаган фотосугда номаълум сайёра борлиги аниқланди. Кин-чалик ушбу сайёрага Плутон деб ном берди.

● Германия шимолидаги абадий музлар билан қопланган Тирол тоғидан бундан300 йил илгари яшаган одамнинг мурдаси тоғди. Мурда қора қимматбаҳо мўмга ўралганди. Паталог Эдуард Эгартер ва ҳамкасбларибу топилма устида илмий тадқиқот ишларинилиб боришди. Тадқиқот натижалари шуни кўрсди-ки, мурданинг бўйи 1,61 сантиметр, оғиғи 40 килограмм бўлган экан. Тадқиқотчиларуз-латилган мурдани ўн даражали илиқликке-тириш учун икки соат вақт сарфладиларри-ган мурда устида олиб борилган изланлар шуни кўрсатдики, қадимий аждодлар адий музлатиш санъатини жуда яхши билганларлур-да махсус текширувдан ўтказилганда, унинг-лақо соғлом бўлгани, фақат тиши баъзидариб тургани маълум бўлди. Энг қизиги, мурдинг эркак ёки аёл жинсига мансублигини аниқла-ш жуда қийин кечди. Тадқиқотчилар унинг ту-зилиши, шунингдек, ёнидан топилган тақоқ-ларни ўрганиб чиқиб, мурда эркак бўлгудеб тахмин қилишмоқда.

● Мюнхен университети дорилфунуниро-фессори Райнер Пелканинг яратган қуриаси нафақат бош оғриғидан, ҳаттоки об-ҳавза-ришидан, суякларингиз зирқирашидан ҳазиз-ни ҳалос этади. Қурилма чўзинчоқ хум шаклида бўлиб, унинг сирти тилла сувилан сайқалланган. У электромагнит майдонизга. Шу сабабдан ҳам бош оғриган пайтда тин тухум-ни пешонага тутилса, бир зумда-риқ йўқолади.

●Токионинг «Касима» қурилиш компания эн-дилликда одамлар ишлайдиган бир хил чага компьютер орқали иқлимни мослаштиритура оладиган қурилма ўрнатди. Бу қурилма қтага қараб хона ҳарорати ва ҳидини ўзгартирла-ди. Масалан, эрталаб хоналарга лимон зах-тининг муаттар бўйини таратади. Бу ҳидам-ларга тийрақлик бағишлайди, демак од зўр иштиёқ билан ишлайди. Тушлиқда эса улагтир-гул хидидан баҳраманд бўлишади. Мутахис-ларнинг фикрига кўра, атиргул ҳиди чаққи таркатади.

● Британиялик заргар Пол Качинск олтинг соат астойдил меҳнат қилиб олтин хум тайёрлади. Бу антиқа тухумнинг атрофи 2инг дона қимматбаҳо рангли тошлар билан ёти-либ, ичига бир неча кичик китобчалар жаш-тирилди. Китобчаларнинг варақлари мах-ас-боб ёрдамида варақланиб, ўқиш учун ҳус-лупадан фойдаланилади.

●Қироллар ҳам турли нарсаларни йшга ишқибоз бўлишган экан. Қирол Эдуардтахт йиққан бўлса, қиролича Елизавета II нинтаси Георг VI чойнаклар йиғишга жуда ўч иган. Унинг турли нусхадаги мингдан ортиқ чағи бўлган экан. Германиялик «темир қанчлеОтто Бисмарк ҳарорат ўлчагичлар тўплаган эи.

● Япониялик сейсмологлар сунъий зила генераторини синовдан ўтказишди. Е-ёисе деб номланган бу қурилма бунёд этил ин-шоот ва бинолар мустаҳкамлигини текшишга мўлжалланган. Бир йилдан камроқ муд-му-қаддам яратилган бу кашфиёт маҳсулини 1,2 минг тонналик уйлар жойлашган 30вад-рат метр майдонни бемалол тебрата ола Ин-сон тафаккури ва имкониятларининг чи йўқ деб шуни айтсалар керақда.

● Одам ирсиятидаги даярли сезиларлўзга-риш ҳам қутилмаган ноҳуш оқибатларолиб келиши мумкин. Геншунослар фани тақот-чиларининг қатор изланишлари бунга яқ да-лил бўла олади. Хусусан, европаликлар уч-раётган генлар тизимининг озгина боша тус олиши уларнинг иккинчи тур қанд диаби ка-саллигига чалиниши хавфини кучайтиркан. Демак, инсон генлари тизими ўзгармағи ду-руст эканда.

● Дори ичиш эсингиздан чиқмасин. Фнци-яда яратилган бу қурилман чўнтакколиб юриш мумкин. «Пилл метор» деб номлан бу қурилманинг ҳажми тўққизу олти ярианти-метр бўлиб, у ўз вақтида дори ичиш эсга солади. Унинг рақамли экранда соякига ўхшаш миллир бор. Уша миллир кераквукт-да асбобни 60 дақиқа давомида кўнгиғ-чал-диради. Шу билан бирга, қайси дориничиш кераклигини ҳам ўзи тахлиф этади. Униқки-та бўлма жойлашган бўлиб, икки хил ди со-лиш мумкин. Асбоб батарея ёрдамидаллай-ди.

ТАШАББУСКОРЛИК ВА ФАОЛЛИК — МУҲИМ ОМИЛ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Янги қабул қилинган барча қонун ҳужжатларининг жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакат ҳаётининг ҳамма соҳаларини ислоҳ қилиш вазифаларининг изчиллик билан бажарилишида аҳамиятини инобатга олган ҳолда шаҳар Кенгаши депутатлик корпусига бу борада ўз ҳиссасини қўшиши, хусусан, сайловчилар билан учрашувлар доирасида юртимизда амалга оширилаётган ижобий ўзгаришларга оид қонунчилик-меъёрий ҳужжатларининг таъсирчанлигига эришиш юзасидан тушунтириш ишларини янада кенгайтириш лозимлиги тавсия этилди.

Сессияда депутатлар эътиборига шунингдек, жорий йилнинг январь-июнь ойларида пойтахтда эришилган ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичлар юзасидан қисқача маълумот ҳам ҳавола этилди.

Қисқа вақтдан сўнг мамлакатимиз раҳбарининг «Миллий гога тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги Қарори эълон қилинганга бир йил тўлади. Ушбу ҳужжат мутахассислар томонидан тарихий деяр эътиборга эришди. Қарорга мувофиқ амалдаги маънавий ва маърифат Кенгашилари, тегишли марказ тузилмаларида тарихий ўзгаришлар кўзда тутилган, шу билан бирга маънавий-маърифий йўналишдаги ишларнинг тубдан қайта қилиниши белгиланган.

Дарҳақиқат, мазкур ҳужжатда қайд этилган барча вазифаларнинг бажарилиши — вақт тақозосидир. Бугунги кунда давлат ва жамият қурилиши борасидаги кўпball масалалар қаторида мутахассисларнинг маънавий асосларини мустаҳкамлаш, аънана ва урф-одатларимизни тиклаш, одамлар дунёқарашини жамиятимиз маънавияти йўлида шакллантириш масалалари ҳам долзарбдир.

Кейинги йиллар давомида ушбу йўналишда тегишли ишлар амалга оширилган, хусусан бу борада шаҳар маънавият ва маърифат кенгаши саъй-ҳаракатларининг натижалари маълумдир. Шу билан бирга халқро майдонда мафкуравий ва ахборот хуружлари кучайиб бораётганини инобатга олган ҳолда тинч-осуда ҳаётга таҳдид солувчи мафкуравий хуружларга қарши курашиш, улардан ўсиб келаётган авлоднинг ҳалос этиш, кишиларда атрофда бўлаётган воқеаларга ҳаддларидан ҳиссини кучайтиришга оид маънавий-маърифий ишларни фаоллаштиришни, дарҳақиқат, бугунги кун тақозо этмоқда. Айнан шу мақсадларда давлатимиз раҳбари қарорига асосан ушбу йўналишдаги фаолият, шу жумладан маънавият ва маърифат Кенгаши тузилмаси ҳам қайта қўриб чиқилди.

Айни пайтда пойтахтнинг барча туманларида мазкур кенгаши вазифаларини амалиётга татбиқ этишчи маънавият тарғибот маркази бўлиmlлари фаолият юритмоқда. Марказ мутахассислари зиммасига турар жойларда, меҳнат жамоалари ва таълим муассасаларида маънавий-маърифий ишларни фаоллаштирган ҳолда мувофиқлаштириш масалалари ҳам оқлатилгандир.

Утган вақт ичида тарғибот ишларини юритиш механизми ишлаб чиқилган бўлиб, кенг оммага мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг мазмун-моҳияти, кишилар манфаатини таъминлаш, уларнинг фаровонлигини оширишга йўналтирилган янги қонун ҳужжатлари ва давлат дастурларини тарғиб этишдек хайрли ишларга қўллаб олимлар, сиёсатшунослар, бошқа турли соҳа мутахассислари кенг жалб этилгани эътиборга лойиқдир.

Уз навбатида, шаҳар Кенгаши қошида ташкил этилган махсус ишчи гуруҳлар томонидан туманлар кесимида амалга оширилаётган маънавий-маърифий ишлар бўйича доимий мониторинг ўтказиб борилаётди. Чунончи, Собир Раҳимов, Учтепа, Шайхонтоҳур, Яқсаарой, Мирзо Улуғбек, Сергели туманларида ўтказилган ўрганишлар натижалари, хусусан, аниқланган муаммо ва камчиликлар туман кенгашилари йиғилишларида муҳокама этилиб, тегишли хулосалар чиқарилади.

Ҳар бир туманда мажмуавий ҳаракат дастурлари йўлга қўйилган бўлиб, уларнинг ижросида давлат, жамоат, тижорат — деярли барча тузилмалар иштирок этмоқда. Марказ бўлиmlлари ҳудудий тасарруфдаги корхона, ташкилот ва муассасаларни қамраб олган ҳолда турли тадбирлар ўтказиб келмоқда. Сессияда таъкидланганидек, бугунги кунда бу борадаги саъй-ҳаракатлар аниқ мақсадларга йўналтирилади. Жумладан, ҳар бир тадбир иштирокчилар манфа-

ати, қизиқишларидан келиб чиққан ҳолда, мулоқотга чорлов сифатида ташкил этилаётди.

Шу билан бирга сессияда маънавий-маърифий ишларни мажбурий ёки мажбурий тарзда эмас, балки барчага тушунарли кўринишда, кишиларни — улар катта ёки кичик бўладими ҳаммамни савол-жавобга тортган ҳолда амалга ошириш, тавсия этилаётган ахборотга қизиқтириш, чин кўнгилдан ёндашишга эришиш кераклиги қайд этилди. Zero, фақат шу тариқа пириовард мақсадга эришилади. Бу борада, шубҳасиз, мустақиллик туфайли тикланиб, кишилар фаровонлиги йўлида хизмат қилаётган бой тарихий меросимизнинг мазмун-моҳияти янада юксалиб бораётгани алоҳида аҳамиятга эгадир. Айниқса мамлакатимиз раҳбарининг ташаббуси ва бевосита кўрсатмалари асосида Хастимов мажмуасида амалга оширилган йирик қурилиш ва ободонлаштириш ишлари натижасида ушбу масканнинг бугунги кунда нафақат тошкентликлар, республикамиз аҳолиси, балки хорижий меҳмонларнинг ҳам қадамжосига айланган бораётгани албатта эътиборга молик воқеадир.

Сессияда маънавий-маърифий ишлар билан айнан амалий тарзда, кишиларни мамлакатимизда эришилаётган ютуқлар, халқимиз тарихи, маданияти билан музей, кўргазма, саҳна образлари орқали таништириш энг мақбул ва энг таъсирчан услублар, дея таъкидланди. Бу борада ижтимоий рекламанинг ҳам алоҳида ўринга эга бўлиши ҳақида уқтириб ўтилди.

Маънавий-маърифий йўналишдаги белгиланган вазифаларнинг ҳаётга татбиқ этилишида, шубҳасиз, ўзини ўзи бошқариш органларининг ҳам ўрни бекиёс. Хусусан, уларнинг фаолиятини такомиллаштиришга оид Олий Мажлис Сенати Кенгаши томонидан 2008 йилгача белгиланган ҳаракат дастури тасдиқланган бўлиб, унда асосий эътибор айнан фуқаролар билан юзма-юз учрашувларни кенгайтириш, аҳолининг турли қатламлари манфаатлари, хоҳиш-истакларини ўрганиш, жамиятнинг ҳар бир аъзосини ташвишга солаётган масалаларга кўмаклашишга қаратилган.

Сессия кун тартибидидаги фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини такомиллаштириш бўйича масалалар муҳокамаида маҳалланинг шу муҳим нукталарига уруғ бериб ўтилди. Шу нарса ҳам алоҳида таъкидланди, бу йўналишда самарадорликка эришишда авваламбор фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиларнинг ташкилотчилик қобилиятлари ва ҳуқуқий онглари тегишли даражада кўтариш муҳим вазифа ҳисобланади.

Шаҳар ҳудудий ҳаракат дастурига мувофиқ ўтган вақт ичида барча маҳалла оқсоқоллари ва уларнинг тегишли йўналишдаги маслаҳатчилари семинар машғулотларида қатнашди. Маҳалла фаоллари ва хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари фаолларининг ижобий ишларини рағбатлантириш мақсадида шаҳар ҳокимининг қарори билан алоҳида низоом ишлаб чиқилган бўлиб, унинг асосида жорий йилнинг апрель ойидан бошлаб иккала ўзини ўзи бошқариш органи фаол вакилларини пул мукофотлари билан қўллаб-қувватлашни жорий этилди.

Маҳаллаларни ободонлаштириш ишларига шаҳар ва туман ҳокимликлари, бошқа давлат ва жамоат тузилмалари, ҳомийлар томонидан катта ёрдам кўрсатиб келинмоқда. Бугунги кунда бир қатор пойтахт маҳаллаларининг намунавий маконага эга бўлгани ҳам эътиборлидир. Сессияда шулар қаторида Чилонзор туманида жойлашган «Гулистон» ва «Богистон» маҳаллалари алоҳида тилга олинди. Бу масканларда ҳар бир фуқаро том маънода ўз ихтиёри билан кунда ўтказиладиган ободонлаштириш ишларида, уларни ва атроф ҳудудларни тартибга келтиришда фаол иштирок этаётгани, каттаю кичик умумий ташвишлар — маҳалла ташвишлари билан яшаётгани ҳақида сўз юритилиб, бундай ижобий ишлар пойтахтнинг ҳар бир маҳалласига тааллуқли бўлиши лозимлиги юзасидан ҳам фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Шаҳар Кенгаши сессиясида депутатлар Меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш бош бошқармаси томонидан жорий йилнинг биринчи ярмида амалга оширилган ишлар юзасидан ҳисоботи тинглаб, тасдиқланди.

Хисобот даврида мазкур тузилма фаолияти айниқса аҳолининг муҳтож қатламини янада қўллаб-қувватлаш иш-

лариға қаратилди. Ушбу вақт давомида пенсия ва нафақалар тўловида узиллишлар кузатилмади. Ёлғиз қариялар, ногиронларга 107,7 миллион сўмдан зиёд моддий ёрдам кўрсатилди. Ҳомийлар маблағларини жалб этган ҳолда 150 миллион сўмга тенг ҳисобда «Муруват» уйларининг моддий-техник негизи яхшиланди. Мухтожларга 70 та эшитиш мосламалари, 209 дона бошқа реабилитация техник воситалари тарқатилди. Бепул йўлланмалар бўйича 3402 нафар уруш ва меҳнат фахрийлари сиҳаттоҳларда саломатликларини тиклади. Бошқарма томонидан шунингдек, аҳолининг бандлигини таъминлаш бўйича ишлар анча фаоллаштирилди. Утган вақт ичида 9066 киши ишга жойлаштирилди, 1537 таси янги касблар бўйича ўқув курсларини муваффақ бўлди, 607 таси пуллик жамоат ишларига жалб этилди.

Жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида пойтахтда 22.237 та янги иш ўринлари, (шу жумладан 3200 таси — уй широтларида) ташкил этилди. Бошқарманинг бандликка кўмаклашувчи жағмармаси ҳисобидан ушбу мақсадларга 222 миллион сўм ажратилди.

Уз навбатида, айтиб ўтилганидек, ушбу масалада муайян имкониятлар мавжуд. Бош бошқарма ҳисоб-китоблари бўйича, 11.481 та иш ўринлари хали талаб этилмаган. Бу дегани мутахассислар томонидан биринчи навбатда тегишли тушунтириш ишларини қўйиштириш талаб этилади.

Сессияда халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг Қонунийлик, ҳуқуқ-тартибот ва фуқаролар ҳавфсизлигини таъминлаш бўйича доимий комиссиясининг ҳисоботи тинланди. Утган вақт давомида мазкур комиссиянинг ўн та йиғилиши ўтказилган бўлиб, ҳар бирининг кун тартибидида қонунчилик-меъёрий ҳужжатларнинг ҳаётга татбиқ этилишига оид муҳим масалалар кўриб чиқилди. Комиссия аъзолари томонидан махсус ишчи гуруҳлар билан биргаликда фуқаро муҳофазаси, аҳоли ва ҳудудларни табиий ва техноген хусусиятли факулдада вазиятлардан муҳофаза қилиш, жамоат ташкилотлари тўғрисидаги қонунлар ижроси эса тегишли ўрганишлар ўтказилди. Мониторинг натижалари юзасидаги соҳа мутахассисларини кенг жалб этган ҳолда комиссия йиғилишларида кўриб чиқилди.

Комиссия ташаббуси билан уй йилдирки, маҳалла оқсоқоллари ва уларнинг маслаҳатчиларининг ҳуқуқий билимларини ошириш бўйича махсус курслар фаолият кўрсатмоқда. Бугунги кунга қадар маҳалла фуқаро йиғинларининг 950 нафар вакили ўқув машғулотларида қатнашди. Комиссия фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайловларида ҳам фаол иштирок этди. Жумладан, округ ва участка комиссиялари, сайловларга кўмаклашувчи туман комиссияларининг изчил ва самарали иш юритишида комиссия томонидан тайёрланган тегишли қонунчилик-ҳуқуқий ҳужжатлар тўлмаси қўл келди.

Мазкур комиссия фаолиятининг асосий йўналишларида таъсирчанликка эришилаётганини инобатга олган ҳолда сессияда унинг тарғиботини шаҳар Кенгашининг бошқа доимий комиссиялари ҳам ёйишининг мақсада мувофиқлиги қайд этилди.

Сессияда сўзга чиққан Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосари Низомидин Бахтиёр, шаҳар ҳокимининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ёрдамчиси Акмал Ақромов, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш бош бошқармаси бошлиғи Бадриддин Камол, Тошкент шаҳар Кенгаши депутати Мирзаосиф Рустамбеков, Бектемир тумани ҳокими Акмал Ҳошимжонов, «Гулистон» маҳалласи фуқаролар йиғини раиси Баҳодир Эшонхонов кун тартибидидаги масалаларга тўхталиб ўтишиб, бу борада ижобий натижаларни кўлга киритишда, қолаверса жамиятни демократлаштириш ва аҳолининг фаровонлигини янада оширишдек пировард мақсадларга эришишда масъул ва ваколатли шахслар қаторида барчанинг, ҳар бир кишининг ташаббуси ва фаоллиги ҳам муҳим аҳамиятга эга эканлигини таъкидлаб ўтишди.

Сессияда барча муҳокама қилинган масалалар юзасидан билдирилган тақлифлар ва қўшимчаларни инобатга олган ҳолда тегишли қарорлар қабул қилинди. Депутатлар шаҳар ҳокимининг айрим қарорларини тасдиқлаб, шунингдек баъзи ташкилий масалаларни ҳам кўриб чиқиди.

Ильмира ЗАЙНУДИНОВА

Футбол

МУҲЛИСЛАРНИ ҚУВОНТИРГАН ҒАЛАБА

ШАҢБА КУНИ МАЛАЙЗИЯ ПОЙТАХТИ КУАЛА-ЛУМПУР ШАҲРИДАГИ МУҲИТ ЖАЛИЛ НОМЛИ СТАДИОНДА XIV ОСИЁ ЧЕМПИОНАТИ «С» ГУРУҲИДАГИ МАЛАЙЗИЯ-ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ ТЕРМА ЖАМОАЛАРИ ЎРТАСИДА ЎТКАЗИЛГАН УЧРАШУВ ЎЗБЕКИСТОНЛИК МУҲЛИСЛАРГА ҚУВОНЧЛИ ҒАЛАБАНИ ҲАДА ЭТДИ.

Авалло, шуни таъкидлаш жоизки, биринчи баҳсда эронликларга 1:2 ҳисобида имкониятни бой бериб қўйган Рауф Инилев шогирдларига ғалаба сув билан ҳаводек зарур эди. Шу боис ҳам мураббийларимиз майдонга Нестеров, Қороев, Исмоилов, Каримов, Николаев (Иброҳимов), Денисов, Иномов, Жепаров (Соломин), Копадзе, Бақоев (Гейнрих), Шақихлардан иборат энг кучли таркибни туширишди. Дарвоқе, украинalik легионеримиз Шақих жамоа сардори сифатида мазмунли ўйин намойиш этганини таъкидлаб ўтмоқ жоиз. Қувонарлиси, футболчиларимиз ҳужумкор, тезкор, комбинацион ўйин кўрсатишиб, майдонда тўлиқ устунлиқни қўлга киритишди. Бу тезде ўз самарасини берди. 10-дақиқада жамоадоши томонидан ўнг қанотдан оширилган тўғра биринчи бўлиб етиб келган Шақих аниқ ҳаракат қилди ва боши билан гол киритди.

Орадан 20 дақиқа ўтар-ўтмас тўпни қабул қилиб олган Темур Копадзе мезбонларнинг тўрт ҳимоячисини алдаб ўтди ва дарвозабонни яна дарвозадан тўп олиб чиқишга мажбур эта олди — 2:0.

Учрашувнинг биринчи бўлими аяқуналишига санокли сониялар қолганида ҳакам томонидан белгиланган пенальтини Бақоев аниқ амалга оширди — 3:0.

Иккинчи бўлимда мезбонлар ҳам бироз жонлангандек бўлишди. Ўзбекистонликлар дарвозаси олдида бир неча марта хавфли вазиятлар содир этилди. Аммо, 85, 89-дақиқаларда Соломин ва Шақихлар томонидан киритилган 2 та гол терма жамоамизнинг 5:0 ҳисобида ғалаба қозонишни таъминлади.

Ушбу ғалаба терма жамоамизга муҳим уч очкони ҳада этди.

Осиё чемпионати гуруҳ баҳсларининг 2-турида қуйидаги натижалар қайд этилди: Австралия — Ироқ — 1:3, Япония — БАА-3:1, Индонезия — Саудия Арабистони — 1:2, Хитой-Эрон — 2:2, Жанубий Корея — Баҳрайн — 1:2.

Ўтказилган 2 та тур ўйинларидан кейин «С» гуруҳида Хитой ва Эрон терма жамоалари 4 очкодан жамғариб 1, 2-ўринларни эгаллаб туришибди. Малайзияликлар устидан қозонилган аjoyиб ғалабадан сўнг ҳамюртларимиз ҳисобида ҳозирча уч очко бор. Эртага хитойлик чарм тўп усталари билан ушортириладиган баҳсда Рауф Инилев шогирдлари кичик ҳисобда ғалаба қозонишса ҳам Осиё чемпионатининг чорак финалига йўлланма олишади.

Биз ҳамюртларимизга ушбу учрашувда ғалаба ёр бўлишини тилаб қоламиз.

Акбар ЙЎЛДОШЕВ

Янги қўлланмалар

ҲУҚУҚИЙ БИДМЛАРНИ ОШИРАДИ

ИСТИҚЛОЛ ЙИЛЛАРИДА ЖИСМОНИЙ ИМКОНИЯТЛАРИ ЧЕКЛАНГАН КИШИЛАРНИ ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ ҚИЛИШ, УЛАРНИ МОДДИЙ ВА МАЪНАВИЙ РАҒБАТЛАНТИРИШ МАМЛАКАТИМИЗДА ОЛИБ БОРИЛАЁТГАН ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ЖАРАЁНЛАРНИНГ АЖРАЛМАС ҚИСМИГА АЙЛАНДИ.

Шу маънода яқинда «Ижтимоий ҳимоя истеъмолчи-ногиронларнинг ҳуқуқлари» деб номланган рисолининг чоп этилишини бу борада амалга оширилаётган ишларнинг натижаси дейиш мумкин.

Авал хабар берганимиздек, мутасадди ташкилотлар вакиллари иштирокида ушбу қўлланманинг тақдими оим ўтказилди.

Айтиш мумкинки, мазкур қўлланма Меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш вазирлиги, Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси, Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерацияси ҳамкорлигида нашр этилди.

«Ижтимоий ҳимоя истеъмолчи-ногиронларнинг ҳуқуқлари» деб номланган рисоламизнинг айнан «Ижтимоий ҳимоя йили»да чоп этилишида ҳам ўзига хос маъно муҳасаса, — дейди Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш федерацияси раиси вазифасини бажарувчи Рустам Ҳақимов биз билан суҳбатда. — Негаки ижтимоий ҳимоя нафақат жисмоний имкониятлари чекланган кишиларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашда, балки уларнинг ҳуқуқий онгини ошириш, республикамизда амалга оширилаётган демократик жараёнларнинг, ислохотларнинг мазмун-моҳиятини англашда хизмат қилишида ҳам кўзга ташланади.

Шу ўринда рисолининг мазмун-мундарижаси ҳақида икки оғиз сўз. Ушбу нашр ўзбек ва рус тилларида чоп этилган бўлиб, 9 та боб, 147 та бўлимдан ташкил топган. Улардаги «Ногиронларнинг ижтимоий муҳофазаси», «Ногиронларни тиббий, ижтимоий ва касбий жиҳатдан тиклаш мақсади нимадан иборат?», «Ногиронларнинг яқка тартибдаги реабилитация дастури нимадан иборат?» сингари мавзуларни тўлиғича қамраб оlishда Х.Мақсудова, Б.Ҳақимов, Э.Нажмиддиновлардан иборат муаллифлар жамоаси юридик маълумотлар, амалдаги қонунлар ва меъёрий ҳужжатлар атрофида суянганлиги кўзга ташланади.

Ҳумоюн АЛИЕВ

Анжуманлар ДОЛЗАРБ МАВЗУГА БАҒИШЛАНДИ

АБУ РАЙҲОН БЕРУНИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҚОШИДАГИ «ФАН ВА ТАРАҚҚИЁТ» ИЛМИЙ-ТЕХНОЛОГИК КОМПЛЕКС ТОМОНИДАН ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 16 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН «НАНОКОМПЗИТЛАР ОЛИШ, УЛАРНИНГ ТУЗИЛИШИ ВА ХОССАЛАРИ» МАВЗУСИДА ХОРИЖИЙ ОЛИМЛАР ИШТИРОКИДА РЕСПУБЛИКА ИЛМИЙ-ТЕХНИКАВИЙ КОНФЕРЕНЦИЯСИ БЎЛИБ ЎТДИ.

Конференция Ўзбекистон Фанлар академиясининг академиклари С.Неъматов, С.Рашидова, Россия Фанлар академиясининг мухбир аъзоси О.Ш.Пигун, қозогистонлик олим Е.Бектуровларнинг «Ўзбекистон Республикасида наноконпозицион материалларни ишлаб чиқиш тадқиқотлари асосий йўналишларининг истиқболи», «Полимерлардаги нанотузилмалар ва нанотехнологиялар, ҳозирги даврдаги ютуқлари ва истиқболи», «Хроматографиядаги наноконпозициялар ва капиллярли электрофорезда», «Гидрогелнинг интер ва интерполимерлар мажмуаси-наноконпозициялари каби маърузалари билан бошланди.

Анжуманнинг умумий мажлислари ва «Нанозаррача ва наноконпозицияларнинг шаклланиш механизми», «Наноконпозицияларнинг тузилиши ва хоссалари», «Наноконпозиция материалларининг олиниши ва қўлланиши» каби йўналишлари бўйича шўъбаларда Республика ўқув юрлари, илмий-тадқиқот муассасалари, Россия ва Қозогистон олимларининг 160 га яқин маъруза ва бошқа илмий чиқишлари тақдим этилди. Тақдим этилган бу ишларнинг китоб ҳолида чоп этилиб анжуман қатнашчиларига тарқатилганлиги фикр алмашиш, мавзунинг янги қирраларини тадқиқ қилиш, илмий-техник ҳамкорликни ривожлантириш, истиқболли белгиланган имкониятларини янада кенгайтирди.

Конференция фикрларга бой бўлди. **Ҳасан АБДУНАЗАРОВ**

ҚОИДАБУЗАР ЖАРИМАГА ТОРТИЛДИ

Борар жойимизга шошилиб турганимиз учун Амир Темур хиёбонидан шахсий «Нексия» машинасига ўтирдик. Машина юра бошлаши билан ўрта ёшли хайдовчи уяли телефонини қўлига олди. Рақамларни териб кимгадир кўнункор қилди. У томондан жавоб бўлгач, кейин сўзлай кетди.

— Кеча яхши етиб бордингми? Тоza олиб-мизда ўзиям. Шу ахволда машина хайдаб кетибман-а. Қандай уйга етиб келганимни билмайман. Ҳозир ҳам бошим гум. Иккита клиентим бор. Уларни Юнусобода ташлаб олдингга ўтаман. Бирор жойда юз-юз қилмасак бўлмайди.

Қани энди гап тугаса. Биз эса боши гум хайдовчининг машинасига ўтирганимиздан ҳавотирдамиз. Қўлга телефон тутган ҳолда хайдовчи машинанинг тезлигини ошириб борапти. Хайрият, алоқа узилди. Хайдовчи

рида эди. Хайдовчи турли баҳоналарни қилди. Ҳатто бизни кўрсатиб «Ишонмасангиз кабинада ўтирган отахондан сўранг. Теллефондан фойдаланганим йўқ. Қўлимда тутганим бошқа нарса эди» деган гапни рўқач қилди.

Йўл назоратчиси сўзида мажма турди. — Телефонда гаплашиб келаётганингизни ўзим кўриб турибман. Нима қиламан отахонни безовта қилиб.

Хайдовчи олдин ялиниб кўрди. Кейин олиши-талашди, бўлмади. Кимнингдир номи айтиб у билан алоқа боғламоқчи бўлди. Барибир йўл назоратчисини юмшата олмади. Шу тоғда унга акахонлари ҳам ёрдам бера олмади. Хуллас, қонунбузарлиқнинг натижаси жарима билан тугади. Бу орада биз ҳам машинани тарк этдик. Ким билсин, балки энди ўша хайдовчи қонун барчага баравар эканлигини англаб етгандир.

ҚЎМСАШ

Эски уйимиз бузиладиган бўлди. Янги уйга кўчиш таралдуди бошланди. Ҳамма-

зада бўлиб қолган бечоралар ноилжликдан кейин бутунлай кўздан йўқолишди. Шундай болаларим дунёда ҳеч кимнинг туғилган уйидан, ўз Ватанидан айирмасин, — дея қиссадан хисса чиқардилар.

Биз эса бу сўзларга унчалик эътибор бермаймиз. Қўш - қушда, бу ер бўлмаса, бошқа жойдан ўзига ин қуриб олаверсади. Йиллар ўтиб, онамиз оламдан ўтдилар. Маросимларидан сўнг биз акаларнинг қистови билан кенжа укамиз ҳам янги уйга кўчиб ўтди. Шу алпозда ота ҳовлимиз бутунлай барҳам топди. Ҳозир ўша эски уйимиз ўрнида гўзал маскан — боғ барпо этилган.

Энди кексалик эшик қоқиб, ёшимиз анча ўтиб қолганида, негадир тез-тез онамизнинг қиссадан хисса чиқариб айтган ўша сўзларини эслайдиган, ўша эски уйимизни кўмсайдиган бўлиб қолдик. Шундан бўлса керак ҳовлимиз ўрнида қад кўтарган боғга тез-тез бориб тураимиз, эски уйимиз ўрнини таъминлаш, шу атрофдаги ўтириқлардан жой олашимиз, ота-онамиз хотирасини ёдга оламиз. Падари бузрукворимиз, меҳрибон, жа-

КАМТАРГА КАМОЛ

Яхшилик йўлида қилинган меҳнат ҳеч қачон зое кетмайди. Қачон, қаерда, қандай ва нимаким қилсан — хоҳ яхшилик, хоҳ ёмонлик, ҳаммаси ҳам бир кун и мевасини беради. Минг афсуски, яхшиликни қадрловчилар билан бирга унинг қадрига етмайдиганлар ҳам бор. Шунинг эътиборига олиб қарайлик:

— Уч хил кишига яхшилик қилиб бўлмайди. Биринчиси, дангаса, ишқамасларга, боиси улар экин ўсмайдиган тошқоқ ёки шўр ерга ўхшайди. Унга қанчалик яхшилик уругини сепмагин, барибир кўкариб чиқмайди. Яъни таъсир этмайди. Иккинчиси, орсиз ва ҳаёсиз кишилар бўлиб, уларга яхшилик қилсан бунини тушуниш ёки раҳмат айтиш ўрнига мендан кўрқанидан қиялти, деб ўйлайди. Улар янада тумшукларини кўтариб, янада кўпроқ нарса талаб қилади. Яна бири аҳмоқ кишилар бўлиб, сен қилган яхшиликнинг қадрини билмайди. Унинг фарқиға бормайди.

Камтарлик яхшининг фазилати, худбинлик ёмоннинг илати. Қиссадан хисса ҳар кимнинг ўз ҳукмига ҳавола.

ЗИЙРАК БОБО ШАҲАР КЕЗАДИ

ҳали телефонини чўнтағига солиб улгурмай, у яна галати мусиқий овоз чиқариб жингиллаб қолди.

Яна ўзаро алоқа бошланди. —Барно, яхшимман.



МАШРИҚЗАМИН — ҲИҚМАТ БЎСТОНИ

ЖАЛОЛИДДИН РУМИЙ

ҲИҚМАТЛАР

Бир инсоннинг турли-туман юзларча орзуси бор.

Бир подшоҳ бир одамга юз кишилик маош тайин этганди. Бунинг учун аскарлар подшоҳдан норизо бўладилар. Подшоҳ ўз-ўзига: «Бир кун келар, сизга кўрса-таман, ўшанда бунинг сабабини тушунасизлар», — дерди. Жанг куни келди. Аскарларнинг ҳаммаси қочди, ёлғиз у кишигина жанг қилди. Подшоҳ: «Мана шунинг учун мен бу одамга кўп пул бердим», деди.

Умид — ишонч йўлининг боши.

Йўлда юрмасанг ҳам, доим йўлнинг бошини кўзла.

Хоҳ бугун, хоҳ эртага бўлсин, кетажак бош бари-бир кетади.

Шоҳларнинг нафси кучайиб, бир аждархо сингари бўлади. Уларга яқин бўлиб, дўстлигини химоя қилиб, молларини қабул қилган кимса мутлақо уларнинг раъйига кўра гап айтади.

Дунё олтин қопламали сохта пул кабирдор.

Хотинлару ўғиллар, қоп-қоп олтинлару қумушлар, наслдор отлару сурув-сурув мол-қўйлар, экинлар ва ҳоказо нарсалар одамлар хирсини қитқилдайди. Буларнинг ҳаммаси дунё завқидир.

Денгизга бориб, ундан фақатгина бир кўза сув олмоқ билан қаноатланиш — ачинарли. Денгиздан олиш мумкин бўлган дур-жавоҳирлар ва бошқа қанчадан-қанча нарсалар бўла туриб, биргина сув олишининг нима қиммати бор?

Инсон бу дунёга бир иш учун келган: гоя удир, агар уни қилмаса, ҳеч бир иш қилмаган ҳисобланади.

Сен шоҳлар хазиналарида бўладиган қимматбаҳо пўлатдан тайёрланган хинд қиличини: «Мен бу қиличнинг бекор ётмаслиги учун турли ишларда ишлатаман», — дея келтириб, ош пичоқи ўрнида гўшт тўғрасанг, ёхуд олтин идишда шолғом пиширсанг, ё жавҳар билан безатилган пичоқни миҳ ўрнида қоқиб, унга ошқо-воқ осанг... увол бўлмасми, одамлар қулмасми?

Ўзингни арзон сотма, чунки қийматинг юксакдир.

Вужудингни кеча-кундуз моддий озиқ билан боқасан. Бўлса-бўлмаса, бу вужуд сенинг отингдир. Дунё — от охури. Отнинг еми унинг эгасининг емиши бўлмайди. Унинг ўз емиши, неъматлари бор.

Замонамиз олимлари қилни қирқ ёрадилар, ўзларига боғлиқ бўлмаган нарсаларни жуда яхши биладилар, аммо ўта муҳим, ўзлари учун қолган барча нарсалардан янада яқин бўлганини, яъни ўзларини билмайдилар. Ҳамма нарсадан яқин бўлган борлик бу — уларнинг менлиги. Улар бирор-бир иш тўғрисида бу — тўғри, бу — хато, бу — ҳалол, буниси — ҳаром деб ҳукм чиқаришадими, ўз мохиятларининг ҳалол ё ҳаром эканлигини билмаслар.

Куш сасларини ўрганган кимса куш бўлмагани ҳолда кушларнинг душмани, овчисидир. Ўзини куш дея ўйлашлари учун улар каби овоз чиқаради, хуштак чалади.

Вужуднинг ҳам буюк бир асли, хизмати бордир.

Дард доимо инсонга йўл очади.

Сўз — идрок қилишда сўзга муҳтож бўлганлар учундир. Идрок эта билган учун кўкларнинг, ерининг ҳаммаси сўздир.

Бегоналарга эмас, дўстларга ситам қилинади.

Дунёда ҳамма бир иш билан шуғулланади. Ким аёл севгиси билан, ким мол тўпламоқ, ким илм олмоқ билан банд. Улар буларнинг баридан завқ олади, хушланади.

Сўзнинг ниҳояси йўқ. Бироқ талабгорнинг талаби миқдориди инади. Ҳиқмат ҳам ёмғирга ўхшайди ва у ўз маъданида сўнгсиздир. Фақат эҳтиёжга кўра ёғади.

Одам борки, денгизларга қонмас, одам бўладики, бир томчи сув билан кифояланади.

Дунёдаги мол-мулклар, олтинлар, қимматбаҳо тошлар конлари сўнгсиз ўлчовдандир. Бироқ улар инсонга баҳоси миқдориди келади. Ортиқчасини эса кўтаролмай, ақлдан озади.

Халқ билан қизиқмаган, аксинча, ундан нолиган, унинг учун жонини куйдирмаган инсон инсон эмасдир.

Инсонда ўткинчи бўлган яхши ва ёмон сифатлардан ошиб, унинг ўзалигига бормоқ ва уни обдон танимоқ лозим. Одамларнинг бир-бирларига берган васфлари уларнинг асосий васфлари эмасдир.

Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлаган



САЛОМАТЛИКЛАРИНИ ТИҚЛАМОҚДАЛАР

ҲОЗИР ЁЗНИНГ АЙНИ ЖАЗИРАМА ПАЙТЛАРИ БЎЛИШИГА ҚАРАМАСДАН НОГИРОН БОЛАЛАР ВА КАТТАЛАР СПОРТ КЛУБИ АЪЗОЛАРИНИНГ ҚЎЛИ-ҚЎЛИГА ТЕГМАЙДИ.

Ҳар якшанба куни эрталаб клуб аъзолари шаҳримизнинг турли ҳудудларидан МХСК спорт мажмуасига келиб, тренажёрларда ўз саломатликларини мустаҳкамлаш, стадион атрофида югуриб тетик ва бардам бўлишга ҳаракат қиладилар. Клуб раиси, тажрибали мураббий Анатолий Суворкин шогирдларнинг машғулотларга келиш тартиби, уларнинг турли спорт анжомларида соғлиқларини тиклашларини қатъ-

ий тартибда назорат қилиб боради. Энг муҳими, ҳар бир машғулотда клуб аъзоларининг юрак уриши ўлчаниб, кимга юкломаларни ошириш, бошқаларга эса пасайтириш тавсия этилади. Бир сўз билан айтганда, ўз саломатликларининг тикланишини хоҳловчи барча клуб аъзолари машғулотларга ўз вақтида келиб, тренажёрларда мазаза қилиб шуғулланмоқдалар.

Элина РУСТАМОВА

СУРАТЛАРДА: клуб аъзолари машғулотлар пайтида.

Алексей Попов олган суратлар

Енгил атлетика ХАМИЮРТЛАРИМВ — СОВРИНДОР

ҲИНДИСТОННИНГ ПУНА ШАҲРИДА ЕНГИЛ АТЛЕТИКА БЎЙИЧА ОСИЁ ГРАН-ПРИ МУСОБАҚАЛАРИНИНГ НАВБАТДАГИ БОСКИЧИ УЮШТИРИЛДИ.

Китъамизнинг энг кучли спортчили иштирок этган ушбу турнир мамлакатиз вакилларига омад келтирди. Таилада ўтказилган Гран-прида биринчи ўрни эгаллаган Гўзал Хуббиева Пунадаги беашуварларнинг 100 метр масофага югуриш ҳисарида маррага иккинчи бўлиб етиб лди ва кумуш медалга соҳиббаси бўлди.

Шунингдек, баландликка сакраш баҳарида 191 сантиметр натижани қайд сан ўзбекистонлик Надежда Дўсановага ҳағумуш медалга насиб этган бўлса, Лия Дўсметова найзани 49 метру 70 сантиметр узоқликка улоқтириб учинчи ўринни элади ва бронза медали билан тақдирнди.

(Ўз мухбириз)

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

Хурматли ишбилармон ва тадбиркор жаноблар! РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ очик аукцион савдоларига таклиф этади. Республика кўчмас мулк биржаси (РКМБ) томонидан бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибда ўтказиладиган очик аукцион савдосига ҚУЙИДАГИЛАР ҚЎЙИЛМОҚДА:

- 1. Тошкент шаҳар Сергели тумани суд ижрочилири бўлими томонидан Тошкент шаҳар ҳўжалик судининг 2007 йил 19 январдаги 10-0719/790 сонли суд буйруғига асосан хатланган, «Toshshahar» ДУКнинг Тошкент шаҳар, Сергели тумани, М.Ҳайдар кўчаси, 3-уй манзилида сақланаётган, қуйидаги автотранспорт воситалари: — «Газ 52-01» русумли, давлат рақами 10 АГ 743 бўлган, 1987 йилда ишлаб чиқарилган, техник носоз бўлган автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 8 282 833,2 сўм. — «Газ 52-01» русумли, давлат рақами 10 АГ 716 бўлган, 1986 йилда ишлаб чиқарилган, техник носоз бўлган автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 8 050 309,8 сўм. — «Газ 52-01» русумли, давлат рақами 10 АГ 718 бўлган, 1990 йилда ишлаб чиқарилган, техник носоз бўлган автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 8 839 784,3 сўм. — «Газ 52-12 АРМЭ-53» русумли, давлат рақами 10 АГ 768 бўлган, 1990 йилда ишлаб чиқарилган, техник носоз бўлган автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 8 783 695,9 сўм. — «Газ 52-04» русумли, давлат рақами 10 АГ 738 бўлган, 1982 йилда ишлаб чиқарилган, техник носоз бўлган автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 7 861 732,5 сўм. — «Газ 52-01» русумли, давлат рақами 10 АГ 711 бўлган, 1985 йилда ишлаб чиқарилган, техник носоз бўлган автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 8 156 364,6 сўм. Аукцион савдолари 2007 йилнинг 14, 21, 28 август ва 4, 11 сентябрь кунлари соат 11-00 да, ушбу автотранспорт воситалари сотилгунга қадар мунтазам равишда ўтказилади.

- 2. Тошкент шаҳар Бектемир тумани суд ижрочилири бўлими томонидан Тошкент шаҳар ҳўжалик судининг 2005 йил 8 сентябрдаги 10-0517/9186-Б ва 2007 йил 13 февралдаги 10-0705/1275 сонли суд буйруғига асосан хатланган, «Мотор заводи» ОАЖнинг Тошкент ша-

ҳар, Бектемир тумани, Оҳангарон шўх кўчаси, 2-уй манзилида сақланаётган, қуйида автотранспорт воситалари арзонлаштирилган баҳода

ТАКРОРАН АУКЦИОН САВДОЛАРИГА ҚЎЙИЛМОҚДА:

- «Рейсер» русумли, давлат рақами 10 АО 293 бўлган, 1993 йилда ишлаб чиқарилган техник носоз бўлган автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 3 206 240 сўм. — «Рейсер» русумли, давлат рақами 10 АГ 638 бўлган, 1993 йилда ишлаб чиқарилган техник носоз бўлган автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 2 564 680 сўм. — «ГАЗ 3110» русумли, давлат рақами 10 АО 080 бўлган, 2000 йилда ишлаб чиқарилган техник носоз бўлган автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 4 959 680 сўм. — «ВАЗ 2112» русумли, давлат рақами 10 АГ 002 бўлган, 2001 йилда ишлаб чиқарилган техник носоз бўлган автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 4 408 560 сўм. — «ГАЗ 5204» русумли, давлат рақами 10 АГ 337 бўлган, 1987 йилда ишлаб чиқарилган техник носоз бўлган автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 2 404 640 сўм. — «ГАЗ 2411» русумли, давлат рақами 10 АО 276 бўлган, 1992 йилда ишлаб чиқарилган техник носоз бўлган автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 1 252 440 сўм. Аукцион савдолари 2007 йилнинг 31 июль ва 7, 14, 21, 28 август кунлари соат 11-00 да, ушбу автотранспорт воситалари сотилгунга қадар мунтазам равишда ўтказилади. Юқоридаги автотранспорт воситалари билан тегишли суд ижрочилири бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдолари Тошкент шаҳри, Собир Раҳимов тумани, М.Ўразбоев кўчаси, 1-а манзилида жойлашган РКМБ биносининг савдолар залида ўтказилади. Ушбу савдоларда қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизиди кам бўлмаган миқдорда закалат пулини ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда, тўлов ҳўжўтида ижро ҳўжўти рақами ва санасини кўрсатган ҳолда РКМБнинг АТИБ «Ипотекабан-Шайхонтоҳур филиалидаги МФО: 00425, ИНН 200933850, 20210000700571452062 ҳис рақамига тўлашлари шарт. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан ариза ва бош тегишли ҳўжатларни қабул қилиш аукцион савдоси ўтказилишига бир кун қонда тўхтатилади. Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, С.Раҳимов тумани, М.Ўразбоев кўчаси, 1-а уй, телефон: 228-79-52. Интернетдаги сайтимиз: WWW.rkmb.uz

Кутилмаган воқеа!!! Тошкентда илк бор

ЖАҲОН ЦИРКИ ЮЛДУЗЛАРИ!

Хинд филлари, ўргатилган ҳайвонларнинг катта гуруҳи, Африканинг қора танли акробатлари, Польша, Руминия ва МДХ пойтахтлари цирклари артистларининг

ХАЙРЛАШУВ ГАСТРОЛЛАРИ!

Шошилинг! Кўнғироқ қилинг! Келинг!

Чипталар цирк кассаларида соат 9 дан 18 гача ҳамда тарқатувчилар томонидан сотилмоқда. Маълумотлар учун телефонлар: 144-35-91, 144-32-23, 144-35-94.

ОАЖ «Тошкент лок-бўёқ заводи»

қўшма корхонасига қуйидаги юқори ма-лакали мутахассислар керак:

- 1. Капитал қурилиш бўлим бошлиғи. 2. Контроль ўлчов асбоблари ва автоматика мутахассиси. 3. Электроцех бошлиғи. 4. Ходимлар бўлими бошлиғи. Мутахассислиги бўйича меҳнат стажи 5 йилдан кам бўлмаслиги керак. Резюмени ходимлар бўлимига топширинг. Тел. 68-79-41 Сўхбат 2007 йил 24 июлда ўтказилади.

«Сувсоз» трести Давлат унитар корхонасининг «Тошкент сув таъминоти» шўба корхонаси

Электроэнергия нархининг ошганлигини инобатга олиб, 2007 йил 1 августдан тижорат ва саноат корхоналари учун тарифларнинг қайта киритилишини хабар қилади:

- Сув таъминоти бўйича — 1 м³ учун 86 сўм 00 тийин. (ККСсиз) Оқава сув бўйича — 1 м³ учун 62 сўм 30 тийин (ККСсиз).

«Сувсоз» трести Давлат унитар корхонаси

2007 йил 1 августдан тарифларнинг ошган ҳолда совуқ сув учун — 43 сўм 00 тийин ва оқава сув бўйича 32 сўм 30 тийин бўлганлигини билдириди Тарифлар қўшиқ жан қиймат солигини ҳисобга олмаган ҳолд кўрсатилган.



Бош муҳаррир Акмал АҚРОМОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:

хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 136-57-65. факс: (3712) 133-21-56.

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.

Нашр кўрсаткичи — 563

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 2875 нусхада босилади. Қоғоз бичими А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почта»га — 133-74-05 телефони мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшомининг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41